

Ойдиннисо

ҚОРАЛАМА

Шеърлар

Шеърий туркумлар

Қисса

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5ў)7

О39

*Аяжоним Файзинисо Муртазо
қизи хотирасига бағишлайман*

Ойдиннисо.

Қоралама: шеърлар, шеърий туркумлар, қисса / Ойдиннисо. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 124 б.

Сўзнинг маза-таъминию иссиқ-совуғини, рангию залворини чуқур ҳис қилувчи ҳассос шоира Ойдиннисонинг ушбу тўпламидан унинг янги шеърлари ўрин олган. Шеърлардаги фалсафийлик, теран мушоҳада, руҳий тасаввурга ҳар қандай ўқувчининг ақл сингирлари бардош бериши маҳол.

“Қоралама”даги шеърларни тушунмоқ эмас, ҳис этмоқ, овозни баралла қўйиб эмас, унсиз ўқимоқ лозим. Ана шундагина ўқувчи шоиранинг кўнгил, деган тубсиз уммонига шўнғий олади. Ундан дард ва изтиробга қоришиқ инжуларни териб чиқади.

Шундай экан, Сиз азизларга бу шеърларни ҳис қилишда, уларга дош бера олишда улкан матонат тилаймиз.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5ў)7

© Ойдиннисо

© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2016

ISBN 978-9943-03-753-3

ЮРТИМ

Сени куйлай олмадим, юртим,
Гарчи қўшиқ тўла борлиғим.
Билмагайман ҳисларнинг исмин,
Сен ҳақингда куйлар борлигим.

Тупроғингга айлангач онам,
Унинг қадрин ортиқроқ туйдим;
Сени яхши кўргани учун
Мен боламни қаттиқроқ суйдим.

Денгиз кўзим, дедим синглимни,
Дедим: укам – тоғим, осмоним.
Ҳар гуллаган оғоч исмингни
Гуллагандай, гуллар жаҳоним.

Шамол бўлиб куйладим гоҳи,
Гоҳи ёмғирингдек тўкилдим.
Тўрт фаслингга айланиб охир,
Сен бўлиб, сен бўлиб ўқилдим.

Мен бағрингда яшадим, сен-чи,
Ҳар заррамда яшадинг, юртим.
Сени куйлай олмадим, сенли
Юрагимни янгратиб юрдим.

2015

* * *

Бу сахнада кўпдир турли қахрамон,
Ролларда ўзимман, ёлғиз ўзимман.
Менинг қиёфамга тўлган ҳар томон,
Билмадим, билмадим аслида кимман.

Гоҳи юрагини сўнгги урфдаги
Ял-ял либос янглиғ кийган танноздай,
Гоҳи ҳисларига ҳайкал ўрнатиб,
Юрактош яратган ҳайкалтарошдай.

Адашган мактубдай қалби очилиб,
Муҳаббат тиланган тиланчи сайёҳ.
Ё янглиш узилган гулдай янчилиб,
Тағин узилмоққа мойил бир гумроҳ.

Ё кузда ҳам япроқ тўкмас кўксидан
Гуноҳдай янграган баҳорий саси,
Ё қалбини кўкка байроқдай осган –
Қалбсиз қалам тутган шоирдай осий.

Бир сўз тополмаган забони бутун,
Гулфарзанд кечмишин кечиролмаган.
На онаси борин кўрсата билган,
На сўнг... йўқлигини яширолмаган.

Вақтсизлик азоби кемирган жонин,
Ямаб дилбандларин кулгуси ила,
Эртаклари тугаб битган дунёни
Эртакка дўндирган сеҳргар она.

Гоҳи гуноҳсизлик юкини ортиб,
Йўлиқиб армондай бедаво дардга,
Беролмаган бахти йиринглаб, оғриб,
Иситмалар берган, қайтмаган ортга.

Бу сахнада ўзим барча қахрамон,
Мен ўйнаб кўрмаган яна не қолди?
Барча синовлардан ўтолдим омон,
Ўйнамоқлик учун биргина ролни.

Тўхта, мени ишдан бўшатма энди,
Олиб қочма энди ўзингни, Ҳаёт.
Ахир синовларда ўтди-ку умрим,
Ўйнаб улгурмадим Ўз ролим, ҳайҳот!

2015

* * *

Кўзларимни юммайман,
дунё,
Кўзларимда
фасллар базми.
Тўртта эмас,
қирқ фасл пайдо,
Етти эмас,
етмиш минг рангли.

Нигоҳимни
тинглаб кўр бир бор —
Азон янглиғ
кўп сирли оҳанг.
Туйгулик ва кўргулик
не бор,
Бари
кўзларимда мужассам.

Парвоз айлагани
осмону,
Денгиз бор
сузгани, чўккани.
Ўзни жазолашга
зиндону
Эрк бор
авф этгани, қучгани.

Беркингани ёлғон,
ошкор этгани
ҳақиқат бор
минг бир қиррали.
Шамол бор
тингани, эсгани,
Тоғ бор
этаклари бурмали.

Бу —
шунчаки кўнгилнинг эмас,
Сендай
кенг дунёнинг дарчаси.
Очиқ кўзим орқали
бирпас
Ҳаво алмаштирар
қанчаси.

Кўзларимни юммайман,
қасам!
Қўл силкима,
айтмагин видо.
Кўзим юмсам,
қандай яшайсан
Қароғимга айланган дунё?

2015

* * *

Қорбобо, совғалар олиб кел,
Менга юракқопинг тўлдириб.
Энг гўзал янги йил совға қил,
Яшайин дунёни кўндириб.

Бир имкон совға қил кулмоққа,
Ҳамда йиғламоққа бир имкон,
Ишонмоққа орзу, қайтмоққа
Хотир бергин, этгувчи комрон.

Совға қил бир битмас жароҳат –
Ва нафаси ўтли хўрсиниқ –
Муҳаббат совға қил, муҳаббат –
Титроқли, сўроқли бир ёниқ.

Ва яна совға қил, меҳрибон,
Онам меҳрин нишонасини –
Ўпиб қўйгин исмим битилган
Дунёнинг шўр пешонасини.

Қорбобо, совқотдим, тавба-ё,
Совқотдим ўтларга топиниб.
Менга Дил совға қил, қорбобо,
Исинай мен уни ёпиниб.

2015

* * *

Сен баҳорни севмагин ортиқ,
Сен баҳорга ишонма зинҳор.
Кўнглимизга шивирлаб нозик,
Не кўйларга солмади баҳор.

Бизга ҳижрон солмасди ҳадик,
Чўт эмасди дунёнинг дарди.
Бардош ила эмланган эдик,
Телбаликка, севгига қарши.

Хазонрездан сарғаймай ўтдик,
Қаҳратондан чиқолдик омон.
Биз баҳорда ўзни унутдик,
Биз баҳорга тутилдик ёмон.

Нозик букиб бардошимизни,
Не кўйларга солмади маккор.
Қўй, тўкмайлик кўзёшимизни,
Бизда айб йўқ, гуноҳкор баҳор.

2015

* * *

Сенинг жонинг оғрир,
оғрийди кўнглим,
Ҳаққим йўқ
хавотир олмоққа сендан.
Сени йўқламоққа,
борламоққа ҳам,
Ҳатто
ранжимоққа ҳаққим йўқ бундан.

Балки оғригансан
мени соғиниб,
Ҳаққим йўқ
кўнглиннга бўйлаб кўрмоққа.
Ҳаққим йўқ йиғлашга
сен деб оғриниб,
Ва ҳатто
бу ҳақда ўйлаб кўрмоққа.

Ҳаққим йўқ ишларга
кўмилгим келар,
Айтгил, нима қилай
мен ҳадсиз одам.
Сенли орзуларга
чўмилгим келар,
Ҳақдан сўролмаيمان
мен ҳақсиз одам.

2015



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4665> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4665> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4665>